

О.М.Кўзибоева-география фанлари доктори, доцент

Ж.Махкамов-тадқиқотчи

## ҚЎҚОН ШАХРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Туризм, туризмни ривожланишидаги географик ресурслар, туризм истиқболлари, Худоёрхон ўрдаси, ўрдани таркибий тузилиши, Қўқон шаҳрида туризмни ривожлантириш истиқболлари ёритилган.

**Таянч иборалар:** туризм, ресурс, сарой, арк, ўрда, рекреацион ресурслар.

**О.М. Koziboeva - Doctor of Geography, Associate Professor**

**J. Makhkamov-researcher**

## PROSPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT IN THE CITY OF KOKON

**Annotation:** Tourism, development of geographical education, tourism, tourism, tourism, education, budget preparation, professional development and advanced training.

**keywords :** tourism, resources, barn, arch, sector, recreation

Туризм француз тилидан олинган бўлиб “сайр”, “сайёҳат” сайёҳат қилиш деган маъноларни англатади. Туризм инсонларни дам олиши ва хордиқ чиқариши, соғломлаштириш кабилар билан боғлиқ жараёндир. Дастлаб туризм ривожланиши XIX аср бошларига тўғри келиб, Англиядан Францияга сайёҳат уюштирган инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 йилда 1-темир йўл туризмни ташкил қилган. 1866 йилларга келиб эса Англиядан АҚШга сайёҳлик туризми ташкил этилди. Осиё халқлари орасида эса Ибн Баттута жуда кўп давлатларга сайёҳат уюштиргани маълум. У етти йил давом этган сайёҳати даврида 15 минг км йўлни босиб ўтган. Ибн Баттута асосан шарқий ва шимолий шарқий Африкага кўплаб сайёҳатлар уюштириб, борган ўлкаларини иқлимни, аҳолисини ва халқ хўжалигини ўрганишга ҳаракат қилган.

Мовороуннаҳрда эса илк сайёҳатларни биз Амур Темур ва Темурийлар даврида фаоллашганлигига гувоҳи бўламиз. Француз қироли Карл IV ва инглиз қироли Генрих IV билан доимо алоқаларини ривожлантириб борган.

Бугунги кунга келиб барча давлатларда туризмни ривожлантириш бўйича истикболли режалар тузиб, ривожлантириш имкониятларини излашмоқда. Ўзбекистон республикасида ҳам туризмни ривожлантириш учун “Ўзбектуризм” миллий компанияси 1992 йил 27 июлда тузилган. Бу компаниянинг асосий мақсади республикада туризмни ривожлантириш, туризм инфраструктурасини ишлаб чиқиш, чет эл сармоясини жалб қилиш мақсадида замонавий туризм комплексларини ташкил этиш, янги туризм йўналишларини аниқлаш ва уларни ривожлантиришдан иборат. Бу борада президентимизни ҳам бир қанча туризмни ривожлантириш борасида олиб бораётган қонун ва фармонлари билан тинишишимиз мумкин.

Хар бир мамлакатга турстлар оқимини кўпайтириш учун авваламбор турстлар учун шарт - шароитлар мукамал даражада бўлиши керак. Туристлар қайси давлатга ташриф буюришидан қатъий назар уларни мароқли дам олишлари учун меҳмонхоналар, сайир қилишлари учун турли хил табиий ,тарихий- маданий, истироҳат боғлари ташкил этилган бўлиши керак.

Туризм ёндошуvidан фойдаланиб уни қуйидаги концепцияларини ишлаб чиқиш мумкин:

- Географик ресурслари
- Туристлар
- Туристтик индустрия

Географик ресурсларни биз яна 4 тоифага ажратворишимиз мумкин. Масалан: 1 Табиий ресурслар буларга табиий кўркам хушманзара жойлар киритилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳозирги кунда

Туристларни ўзига жалб қиладиган бир қанча туристик зоналарни мисол келтиришим мумкин. Масалан Чорвоқ, Шоҳимардон, Чодак, Чимёнсой каби дам олиш зоналари

2. Иқтисодий ресурслар; буларга йирик ва қадимги шаҳарлар, саноат районлари ва парклари, транспорт инфраструктуралари; Мамлакатимизда йирик туристларни ўзига жалб қила оладиган шаҳарлардан Тлшкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон каби шаҳарларни мисол келтиришимиз мумкин.

3. Археологик ёдгорликлар; Мамлакатимиз худудида кўплаб археологик ёдгорликларни мисол тариқасида келтира оламиз. Масалан, Ахсикент, Нуротадаги

4. Диний туризм объектлари. Кейинги йилларда айниқса мамлакатимизда бунга бўлган талаб ортиб бормоқда. Фарғона вилоятида ҳам бундай масканлар кўплаб топилади. Бувайда туманидаги Пошопирим, Бумозор, Бостонбува: Учкўприк туманида эса Йигитпирим, кабилардир.

Кўплаб қадимги шаҳарларда туристларни диққат эътиборларини тортган меморий- рамзий обидаларни учратишимиз мумкин. Францияда Нотр-Дамм ибодатхонаси ва Эйфел минораси, Самарқандда Регистон, Хиндистонда Тожмахал, Шаҳрисабзда- Оқсарой, Бухорода Минораи Калон, Хивада Ислонхўжа мақбараси бўлса Қўқон шаҳрида Худоёрхон ўрдасини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Республикаимизнинг 3 та шаҳрида қадимги хонлар даврида сақланиб қолган саройларни кўришимиз мумкин. Булар Бухорода Арк, Хивада Нурулловоё, Қўқонда Худоёрхон ўрдаси.

Худоёрхон ўрдаси Қўқон шаҳрига улуғворлик, кўрк, салобат бахш этиб турган нодир меъморий ёдгорликлар қаторидан ўрин олган.” Ўрда ” сўзи Қадимги туркий халқларида иттифок, салтанат, давлат маъноларини англатган. Тарихга назар ташласак “ Турк ўрдаси”, “ Мўғул ўрдаси”,

“Олтин ўрда”, “Кўк ўрда”, “ Оқ ўрда”, “ Алаш ўрда ” каби давлатлар мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам хон, хоқонлар қароргоҳи ўрда деб ном олган. Баъзида давлат бошлиқлари қароргоҳлари “арк” ва “сарой” деб ҳам ном олган. Ўрда тўрт таркибий қисмдан иборат бўлган: 1 Ташқи сарой ( қалъа)

2. Ўрта сарой 3. Ички сарой 4. Боғ.

Ўрда биниси ҳам маъмурий жиҳатдан бир неча йирик қисмларга бўлинади: а) қалъа ( харбий қисм), б) давлатхона, с) ҳарам, д) шаҳнишин, е) хўжалик бўлими, ё) маънавий бўлим.

Кейинги йилларда Қўқон шаҳрига ҳам туристларни оқими кўпайиб бораётганлигини сезишимиз мумкин. Масалан 2018 йилда Қўқон шаҳрига 8351 та турист ташриф буюрган бўлса, 2019 йилда 11810 та турист келган. 2020-2021 йилларда карантин бўлганлиги сабабли туристлар ташриф буюрмаган. 2023 йилда январ ойида 109 та, февралда 110 та, мартда 425 та, апрелда 841 та, майда 902 та, июн ойида 495 та, июлда 482 та, август ойида 1044 нафар турист ташриф буюрган. Энг кўп турист Хитой, Россия, Франция, Италия, Испания каби давлатлар аҳолиси ташкил этади. Ўртача турист келадиган мамлакатларга Голландия, Венгрия, Австрия, Бразилия, Эрон, АҚШ, Греция, Япония, Украина, Швеция, Словакия, Буюк Британия, Болгария, Австралия, Янги Зеландия, Польша, Грузия, Марокаш, Туркия, Чехия, Дания, Бирлашган Араб Амирлиги, Татаристон каби давлатлар киради.

## Фойлаланилган адабиётлар

- 1.Мухаммад Яҳёхон Хўқондий Худоёрхон ўрдаси. “Водий Медиа” нашриёти 2021 й.
- 2.Қўзибоева О.М., Махкамов Ж.А. Қўқон шаҳрида туризмни ривожлантириш истиқболлари . Farg‘ona vodiysida turizmni rivojlantirishning hududiy jihatlari va istiqbollari, Farg‘ona shahri . б-255
- 3.Маматкулов Х.М, Бектемиров А.Б, Норчаев А.Н Халқаро туризм Дарслик Тошкент 2009
- 4.Тошмуродов Х Туризм 2007.
- 5.Ўрда музейи маълумотлари